

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими  
таълим йўналиши негизидаги:**

5A111601 – Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш  
методикаси (Маънавият асослари)

**Магистратура мутахассислигига кирувчилар учун  
махсус (ихтисослик) фанларидан**

**ДАСТУР**

Тошкент - 2020 й.

## **Аннотация**

Дастур 5A111601 - Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (Маънавият асослари) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълими йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

Ўтамурадов А. – ЎзМУ, Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудир, ф.ф.н., профессор.

Дастур Ижтимоий фанлар факультетининг 2020 йил \_\_ июндаги № \_\_ сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

## КИРИШ

5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълими бакалаврият таълим йўналиши – нафақат мамлакатимиз идеасферасидаги муаммоларни ҳал этишда, балки таълим ва касб соҳаси нафақат назарий ёндашувлар ва ғоялар балки тўғридан-тўғри амалиётнинг устуворлиги билан бошқа таълим йўналишларидан ажралиб туради. Бу ҳолат маънавият соҳасидаги профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнида машғул бўлган профессор-ўқитувчилар ва бўлажак амалиётчи педагог ходимлари - талабалардан назарий ва амалий машғулотларнинг уйғунланишига ижодий ёндошиш ва мустақил таҳлил қилиш маҳоратини эгаллаш талабини қўяди.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - талабаларнинг - мафкураларнинг жамият, давлат тараққиётидаги аҳамияти; миллий ғоянинг шаклланиш тарихи ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари; миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари; миллий ғоянинг умуммафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги; сиёсий партияларнинг мафкуравий жараёнлар ривожидеги ўрни; геосиёсат ва мафкуравий полигонлар; дунёнинг мафкуравий манзараси; глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар; Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар ва миллий ғояга эҳтиёж; миллий ғоянинг миллий негизлар ва умумдемократик принципларга асосланиши; Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши; Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий ғоя концепцияси билан боғлиқлиги; инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг миллий ғояда акс этиши; миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш шарт-шароитлари ва омиллари; миллий ғоянинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш механизмлари ва воситалари; миллий ғоя - миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойили; маънавиятга таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғояга таяниш зарурати; ёт ва зарарли ғояларнинг кўринишлари, уларнинг олдини олишда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти; дунёдаги мафкуравий курашлар шароитида миллий ғоянинг зарурлиги; ёшларда турли таҳдидларга нисбатан огоҳлик ва даҳлдорлик туйғуларини тарбиялаб бориш; ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълими таълим йўналиши негизидаги 5A111601 - Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (Маънавият асослари) магистратура мутахассислигига қиравчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан умумқасбий ва ихтисослик “Ижтимоий фалсафа”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Маънавият асослари”, “Этномаданият”, “Глобаллашув асослари”, “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар”, “Жаҳон сиёсий мафкуравий таълимотлар тарихи”, “Геосиёсат асослари”, “Оила маънавияти”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Оила ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Экология ҳуқуқи”, “Халқаро ҳуқуқ” фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

## Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи

Инсоният тарихида кишиларнинг интилишлари ва ҳаётий мўлжалларини ўзида мужассамлаштирадиган, уларни амалга оширишга, кўзланган мақсад-муддаоларга эришишга сафарбар этадиган мафкура жамиятлар ҳаётининг узвий қисми экани. Инсоният эволюцияси мафкуралар эволюцияси билан узвий боғлиқлиги. Глобал, минтақавий ва ҳудудий геосиёсатда мафкураларнинг намоён бўлиши, ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий жараёнлар кечишига таъсирини узвий бирлик ва алоқадорликда ўрганиш, жамиятнинг эртанги куни, уларнинг ғоявий жараёнлар билан боғлиқлиги, тарихий-тадрижий ривожланишида ғоя ва мафкураларнинг ўрни.

Ғоя ва мафкураларнинг турли-туманлиги. Миллатлар ва элатлар онгини эгаллаш, забт этиш ғоявий курашнинг асосий мақсадига айланиб бораётгани. Мафкуравий манзара, ундаги ҳукмрон майллар ривожланишини, мавжуд мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларни фалсафий таҳлили. Глобаллашувнинг мафкуравий жараёнларга таъсири.

Инсон, миллат ва жамият ҳаётида ғоя ва мафкурага бўлган талаб-эҳтиёжлар. Миллий ғоянинг тарихий илдизлари. Дастлабки ғоявий қарашлар ва уларнинг манбалари. Уруғ-қабилачилик даврларида қабилаларни бирлаштиришга хизмат қилган илк ғоялар ва қарашлар. Авесто –миллий ғоя шаклланиш босқичидаги муҳим манба. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал.

Миллий ғоянинг тарихий негизларидаги асосий манбалар ва ундаги илғор ғоялар. Халқ оғзаки ижоди намуналари, урф-одат ва анъаналарда қаҳрамонлик мотивлари, миллий ва умуминсоний ғоялар кўринишлари.

Ватан озодлиги йўлидаги курашларда эркинлик, озодлик, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик билан боғлиқ турли ғояларнинг намоён бўлиши. Ўрта асрлардаги ғоявий қарашлар тарихи ва ривожланиш хусусиятлари. Маърифатпарварлик ғоялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Мустамлакачилик мафкураси ва унинг халқимиз ҳаётидаги салбий оқибатлари. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида: ғоявий-мафкуравий жараёнлар.

Миллий ғоя ва умуммафкуравий жараёнлар тушунчаларининг ўзаро муносабати, мазмун-моҳияти.

Одамлар, турли ижтимоий қатламлар, миллатлар ва элатлар онгини эгаллаш, забт этиш ғоявий курашнинг асосий мақсадига айланиб бораётгани дунёнинг мафкуравий манзарасига хос хусусиятлар, ундаги ҳукмрон майллар ривожланишини, мавжуд мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларнинг фалсафий таҳлили. Мафкуравий жараёнларнинг турли хил ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатлари билан боғлиқлиги, уни англаш даражалари. Мафкуравий жараёнларнинг турли хил ғоялар, мафкуралар билан боғлиқлиги. Дунёдаги мафкуравий жараёнлар, мафкуравий курашлар. Сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, геосиёсий мақсадлар. Миллий ғоянинг мафкуравий курашларда муҳим омил эканлиги.

“Мафкура” тушунчасининг мазмуни. Ҳар қандай мафкура жамият, унинг тузилиши, ривожланиш йўллари ҳақидаги муайян билимлар асосида шаклланадиган баҳолар ва мақсадлар тизими. Мафкураларнинг хилма-

хиллиги. Миллий мафкуранинг моҳияти. Мамлакатимиз Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”, - деган қоида мустаҳкамлаб қўйилгани.

Мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти. Замонавий мафкуравий жараёнларнинг асосий хусусиятлари. Мустақил Ўзбекистонда мафкуравий жараёнлар ривож.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқлиги. Фарзандлар айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб бориши. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоявий тарбия жараёнидаги тадрижийлик таъминланиши. Ғоявий билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри ўзлаштирилишини мунтазам йўлга қўйиш. Таълим тизимида мафкуравий тарғибот натижаларини назорат қилиб бориш ва уни такомиллаштириб бориш имкониятларини яратиш.

Таълим тизимининг ғоявий тарбия жараёнидаги муносиб ўрнини таъминлаш. Таълим тизимининг кишиларимиз онгида миллий ғоямизнинг мазмун - моҳияти ҳақида чуқур билимларни ҳосил қилиш, уларда ўзига хос мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ғаразли мақсадларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этишдаги ролини кучайтириш. Ҳар қандай мафкура шаклларига фақат маърифат билан қарши курашишигина бугунги кунда керакли натижани бериши.

Жамият социал структурасининг мураккаблашиб бориши, ижтимоий қатламларнинг ўзига хос манфаатларининг шаклланиши уни ифода этувчи қарашлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши. Ғояларнинг воқеликка айланиши эса аниқ механизм ва воситаларни талаб қилиши. Сиёсий партияларнинг тарих саҳнига чиқиши узоқ давом этган ана шу жараёнларнинг ҳосиласи экани. Шу нуқтаи назардан қараганда, сиёсий партиялар стихияли тарзда эмас, балки маълум мақсад, ғоя ва идеалларни рўёбга чиқариш йўлидаги онгли ҳаракат, интилишнинг табиий натижаси сифатида шакллангани.

Сиёсий партияларнинг ривожланиш тарихи ва бугунги кунда жамият ҳаётида тутган ўрни. Сиёсий партиялар, бир томондан, манфаатлар ва уларнинг ифодаси бўлган қарашлар ва ғоялар хилма-хиллигининг ҳосиласи бўлса, иккинчи томондан, уларнинг фаолияти бугунги кунда фикрлар ранг-баранглигининг шаклланишига ва тарғиб қилинишига йўл очиши.

Сиёсий партияларнинг мафкуравий жараёнлар ривожидидаги ўрни. Сиёсий партияларнинг соғлом рақобати ва мафкуравий жараёнлар ривож. Кўппартиявийлик демократиянинг муҳим элементи, ҳокимият учун курашни соғлом рақобат, конкуренция асосида ташкил этиш. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар умуммиллий манфатларни кўзлаб фаолият кўрсатиши.

Геостратегик мақсадларни амалга оширишда мафкуранинг ўрни. Манфаатларнинг мафкура билан боғлиқлиги. Бугунги кунда кишилар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш мафкуравий жараёнларнинг бош мақсади. Ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Геостратегик мақсадларни амалга оширишда мафкуранинг ўрни беқиёс экани. Бугунги кунда у ёки бу ҳудудда ҳукмронлик қилиш учун у ерларни босиб олиш, аҳолисини маҳв этиш шарт эмас. Онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари “маъқул” йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Мафкуравий тажовуз ва гегемонизмнинг ўзига хос хусусияти. Мафкуравий тажовуз – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатларни заифлаштиришга ва барбод қилишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт. Мафкуравий кураш глобал ҳарактер касб этган бир шароитда ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасининг ижтимоий-тарихий характери. Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, инсоният истиқболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуи тушунилади.

Ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида олиб бориладиган ҳаракатлар доимий такомиллашиб, қўлланадиган усул ва воситалар мукаммаллашиб бориши. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида турли сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилиши. Инсоният тараққиётининг ҳозирги даврида турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олаётгани. Ирқчилик мафкураси, унинг қайтадан жонланишини келтириб чиқараётган омиллар.

Мафкуравий жараёнлар глобаллашувига хос хусусиятлар. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар. Уларнинг мафкура жаҳҳасидаги глобаллашув келиб чиқишига таъсири.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши.

Ғоявий таъсир ўтказиш ва мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этгани. Муайян гуруҳ, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар. Мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечаётгани.

Мафкуравий жараёнлар тушунчаси, унинг маъно ва мазмуни. Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг мафкуралар хилма-хиллигига асосланиши. “Мафкуралар хилма-хиллиги” тушунчаси. Миллий ғоя ва

мафкуралар хилма-хиллигининг ўзаро боғлиқлиги. Турли ғояларнинг миллий ғояга таяниши. Жамиятда миллий ғояга эҳтиёж. Миллий ғоя – турли хил мақсадлар ва манфаатларни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи, жамият тараққиётига хизмат қилувчи ғоя эканлиги.

Миллий ғоянинг миллий-маънавий негизлари ва умумдемократик принциплари. “Демократик тараққиёт” тушунчаси маъно-мазмун, жамият ғоявий мафкуравий асосларини демократик тараққиёт билан боғлиқлиги. Ягона ғоя ва мафкурани давлат мафкурасига айлантирмаслик, ғоявий-мафкуравий плюрализмнинг демократик тараққиётга мослиги.

Миллий ғоя – Ўзбекистон демократик тараққиётининг ғоявий-мафкуравий асоси. Миллий ғоя тамойилларининг миллий ва умумдемократик характери. Миллий ғояда инсонлар, турли миллатлар, халқлар мақсад ва манфаатларининг акс этиши. Демократик тараққиётда турли хил ғоялар ва мафкуралар, сиёсий институтлар хилма-хиллигининг аҳамияти.

Демократик тараққиёт ва миллий ғоянинг ўзаро алоқадорлиги. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш мақсадлари. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тушунчаларининг миллий ғоя мақсадлари билан узвий алоқадорлиги.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси, бу борадаги ғоявий-мафкуравий қарашлар ва муносабатлар моҳияти. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг ғоявий-мафкуравий асослари. Миллий ғояда фуқаролик жамияти қуриш мақсадларининг акс этиши. Миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг ривожланиши – фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омили. Миллий ғоя мақсадларининг мамлакатимизда демократик жамият қуриш мақсадлари билан муштараклиги, уни янада ривожлантириш истиқболлари.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тўлақонли аъзо бўлиши – Истиқлолнинг шарофати. Давлат мустақиллигининг БМТ томонидан тан олинishi. Юртимизнинг халқаро ташкилотларга аъзолиги. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилган тинчликсевар ташқи сиёсат.

Халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши. Кейинги йилларда атрофимиздаги давлатлар билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши. Юртимизда тинчликнинг бирқарорлашуви билан бирга иқтисодий имкониятларнинг ҳам ошишига хизмат қилиши.

“Шарқ тароналари” халқаро фестивали – миллий маънавиятимиз ва санъатимизнинг халқаро намоиши сифатида. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан иккитомонлама ва кўптотомонлама маданий алоқалари ривожда миллий ғоя ва мафкуранинг роли.

Мустақиллик, мустақил демократик тараққиёт, ва миллий ғоя тушунчаларининг ўзаро муносабати, мазмун -моҳияти.

Мустақил демократик тараққиётни таъминлашнинг миллий-маънавий ва умуминсоний демократик тамойиллари. Стратегик мақсадларни амалга оширишнинг ғоявий-мафкуравий асослари. Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчилик роли.

Мустақил демократик тараққиётнинг миллий ғоя концепцияси билан муштараклиги. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.

Жамият ҳаёти соҳалари тушунчалари, маъно-мазмуни. Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳаларида акс этиши. Миллий ғоя ва иқтисодий ҳаёт.

Ижтимоий ҳаёт соҳалари ва миллий ғоянинг ўзаро муштараклиги.

Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Фан ва таълим соҳасидаги ютуқлар, уни ижтимоий ҳаёт соҳаларига тадбиқ этиш. Эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш. Миллий ғоя бош мақсадини амалга оширишда жамият ҳаёти соҳаларини ривожлантиришнинг ўрни.

Мустақиллик туфайли жамият ҳаёти соҳасида эришилган ютуқлар. Уларнинг миллий ғоя мақсадлари билан уйғунлиги.

Инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари тушунчаси, унинг маъно-мазмуни. Миллий ғоянинг инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги принципига асосланиши.

Миллий ғоя – баркамол авлодни тарбиялаш омили. Баркамол авлодга хос бўлган хусусиятлар. Инсон манфаатларини таъминлаш – юксак қадрият. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти жараёнида инсон ҳуқуқларининг кенгайиши, масъулиятининг ортиши. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлашнинг кафолати.

Мустақиллик шароитида миллий ғояни ривожлантириш, унинг маънавий таъсирчанлиги ва мафкуравий самарадорлигини ошириш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини такомиллаштириш муаммоси.

Миллий ғоянинг негизлари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Миллий маънавий мерос ва умуминсоний демократик принциплар. Руҳий сафарбарлик ва маънавий жипсликнинг миллий ғоя негизида шаклланиши.

Миллий ғоя ва миллий маънавий мерос ўртасидаги узвийлик. Умуминсоний демократик принципларнинг миллий ғоянинг муҳим негизларидан бири эканлиги. Миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш шарт-шароитлари ва омиллари.

Миллий ғоянинг ривожланиб, янгиланиб бориши – умумий қонуният эканлиги.

Миллий ғоянинг ўзига хос хусусиятлари. Миллий ғоянинг муайян мамлакат ёки халқ мақсадлари ва тараққиёт йўли билан боғлиқлиги.

Миллий ғояни ривожлантириш тушунчаси, маъно-мазмуни, миллий ғоя ривожланишининг онг ва тафаккур, турли хил омиллар билан боғлиқлиги.

Миллий ғоянинг ривожланиш механизмлари – миллий маънавий мерос, урф-одат, анъаналар ва қадриятлар.

Миллий ғоя таъсирчанлигини ошириш механизмлари. “Фикр – ғоя – мафкура – тизим” муносабати. Миллий ғоя ва ОАВ. Ахборотлашган жамиятда ОАВ даги ўзгаришлар. Ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар ва миллий ғоя таъсирчанлигини тобора ошириб боришда мафкуранинг ўрни.

Жамиятни эркинлаштириш ва давлат қурилишини демократлаштиришда миллий ғоянинг роли. Жамиятни демократлаштириш жараёни – миллий



ғояни ривожлантириш омили. Миллий ғоянинг гуманистик моҳияти. Демократия тамойиллари тизимида мафкуравий плюрализмнинг аҳамияти. Ғоявий-мафкуравий муносабатларни қонуний-ҳуқуқий бошқариш масалалари. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг мафкуравий кафолатлари.

Ватанпарварлик ғоясининг ижтимоий-руҳий асослари, сиёсий мазмуни, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашнинг ғоявий-мафкуравий масалалари. Кўпмиллатли мамлакатимиз аҳолиси онгида “Ўзбекистон – ягона Ватан” ғоясини шакллантириш вазифалари. Миллий ғоянинг фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти.

Маънавий ва моддий ҳаёт тушунчалари маъно мазмуни. Миллий ғоянинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига асосланиши. Моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирига устунлик беришнинг самарасиз эканлиги. Инсоннинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган маънавий ва моддий оламни парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсланиши. Моддий ва маънавий омилларни ўзаро уйғунлаштириш, шу асосда инсон, давлат ва жамият ҳаётини юксалтириш масаласи.

Ўзбекистон кўпмиллатли, полиэтник давлат эканлиги. Миллий ғояда турли миллатга мансуб халқларнинг манфаатлари ва мақсадларининг ифодаланиши. “Миллатлараро тотувлик” ва “Диний бағрикенглик” тушунчаларининг маъно-мазмуни, уларнинг миллий ғояда акс этиши.

Миллий ғоя - миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик омили. Уни амалга ошириш шарт-шароитлари. Миллий ғояда миллий ва диний бағрикенглик тамойили. Миллий ғоя – турли миллатлар ва дин вакиллари ўртасида ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи омил эканлиги.

Миллатлараро тотувлик ва ва диний бағрикенгликни таъминлашда миллий ғоя ролининг ошиб бориши.

Маънавий таҳдид, ғоявий таъзйиқ ва тажовуз тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти ва юзага келиш шарт-шароитлари. Маънавий таҳдид ва тажовузларнинг ўзига хос кўринишлари, ниқобланиш хусусиятлари ва ҳаракат усуллари. Маънавий таҳдидларнинг ошқора ва яширин жиҳатлари, уларнинг турли даража ва кўламда намоён бўлиш хусусиятлари.

Маҳаллий-худудий даражадаги маънавий таҳдидлар. Глобал миқёсдаги маънавий таҳдидлар, уларнинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистонда маънавий таҳдидларни олдини олишнинг шарт-шароитлари ва омиллари, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий асослари, техник-технологик имкониятлари. Маънавиятга таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғоянинг аҳамияти.

Ёт ва зарарли ғоялар, ғоявий қураш тушунчалари, уларнинг мазмун ва моҳияти. Ўзбекистон ҳаёти ва тараққиётига ғоявий таҳдидлар, уларнинг кўринишлари ва намоён бўлиш хусусиятлари. Таҳдидларнинг ички ва ташқи йўналишлари, ижтимоий илдизлари. Диний экстремизм ва террорчилик, оммавий маданият ва демократик ғояларни ниқоб қилувчи маънавий-мафкуравий оқимлар, уларнинг фаолият усуллари ва хавфсизликка таҳдиди.

Ўзбекистонга қарши ахборот хуружлари, уларнинг асл мақсадлари ва таъсир йўналишлари. Ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг моддий-иқтисодий ва руҳий-маънавий таянчлари ҳамда техник ва технологик имкониятлари. Ғоявий таҳдидларга қарши курашда мафкуравий воситалар, услуб(метод)лар таъсирчанлиги масаласи.

Жамиятда ғоявий курашни ташкиллаштириш, бошқариш ва аниқ мақсадларга йўналтириш усуллари ва воситалари. Фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили. Ғоявий курашда фан, дин, адабиёт, санъат ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишда маънавий-маънавий тадбирларнинг ўрни. Жамиятда мафкуравий профилактикани кучайтириш ва фуқароларда “мафкуравий иммунитет”ни шакллантириш.

Дунёда мафкуравий курашлар ва унинг сабаблари. Мафкурадан кўзланган мақсадларнинг хилма-хиллиги. Эзгу, бунёдкор мафкуралар. Ёвуз ва бузғунчи мафкуралар. Мафкуравий курашларнинг тарихий кўриниши, шакллари. Мафкуравий курашларни турли хил сиёсий мафкуравий йўналганлиги. Дунёдаги глобал ўзгаришлар.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги тўғрисида. Мафкуравий курашларнинг олдини олишда миллий ғоянинг зарурлиги. Ёвуз ва тажовузкор мафкураларга қарши курашда миллий ғоя ролининг ошиб бориши.

## **МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК фанидан:**

“Маънавият” тушунчасининг моҳияти, предмети, мақсад ва вазифалари. Маънавиятшунослик фанининг тузилмаси. Маънавиятшуносликнинг категориялари, таркибий қисмлари ва ривожланиш қонуниятлари.

Жамият, инсон ва маънавият: Моддий ва маънавий ҳаёт муштараклиги. Маънавият ва ўзликни англаш. Маънавиятшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. Тараққиётнинг ўзбек моделида маънавиятнинг ўрни. Маънавиятни ривожлантириш - давлат сиёсатида устивор соҳа эканлиги. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмаслиги.

Бугунги кунда миллий маънавиятимиз асосларини илмий-назарий ўрганиш зарурати. Маънавиятнинг яхлит соҳа сифатида тан олинishi ва жаҳон илмида янги соҳа. Унга берилган турли таърифлар. Маънавиятшуносликнинг методологик асослари. Маънавиятшунослик тарихий-назарий фан сифатида.

Маънавият - инсон ҳаётининг маъноси. Маънавиятни англаш - ўзликни англаш йўли сифатида. Маънавият – инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи. Маънавият тушунчасига турли ёндошувлар. Маънавият –ижтимоий ҳодиса. Онг ва маънавият. Маънавий онг. Мустақил тараққиётнинг маънавий асослари. Маънавият тушунчасининг таърифи ва тузилмаси. Маънавиятдаги рационаллик ва иррационаллик. Маънавий муҳит маънавиятнинг таркибий қисми сифатида.

Миллий маънавиятимиз илмий-назарий асосларининг шаклланишида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари ҳамда соҳа олимларининг қарашларининг аҳамияти. Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг маънавиятга берган таърифи ва унинг методологик моҳияти. Маънавиятни шакллантирадиган ва юксалтирадиган асосий мезонлар.

“Миллий - маънавий тикланиш” тушунчасининг моҳияти. Мустақил Ўзбекистонда маънавият масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг сабаблари. Биринчи Президент Ислам Каримовнинг миллий маънавий тикланиш концепцияси ва унинг тадрижий характери. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий –ахлоқий негизлари. Мустақиллик йилларида миллий маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар. Аждодларимиз меросига холис муносабатни шаклланиши. Миллий ва диний қадриятларнинг тикланиши. Уларнинг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларининг маънавиятга боғлиқлиги. Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони. Тараққиётимизнинг янги босқичида мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ривожидида халқ маънавиятини юксалтиришнинг аҳамияти. Мустақиллик ва тараққиёт масъулияти. Тараққиётимизнинг янги босқичида маънавиятни ўрни.

Маънавият ривожидида ички ва ташқи омилларни таъсир. Маънавий юксалишга жамият ривожланишининг умумий қонуниятлари таъсир кўрсатиши. Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни. Маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни. Маънавият юксалишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига боғлиқлик қонуни.

Маънавиятшунослик мустақил фан сифатида ўзининг асосий тушунчаларига, категорияларига, тамойилларига, қонунлари ва мезонларига эгаллиги. Унинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тушунчалари билан онтологик, гносеологик, методологик боғлиқ жиҳатлари.

Маънавиятнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги узлуксиз бардавом ва барқарор функциялари.

Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларини энг умумий, унверсал ҳамда конкрет- ижтимоий вазифаларга бўлиниши мумкинлиги. Глобаллашув, интеграциялашув, илғор замонавий ахборот-коммуникация технологиялар асрида маънавиятнинг функционал хусусиятларини ортиб бориши. Маънавиятнинг “Оммавий маданият” таъсирлардан ҳимоялаш функцияси. Унинг инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳалари билан алоқадорлиги ҳамда унинг локомотивлик хусусияти.

Маънавиятшунослик ҳам бошқа фанлар каби ўзининг мустақил таркибий қисмларига эгаллиги. Уларни маданият, мерос, мафкура, қадрият ва маърифат кабилар ташкил қилиши.

“Маданият” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари. “Мерос” тушунчасининг моҳияти. Маданий мероснинг – маънавият ривожига ўрни.

“Қадрият” тушунчасининг моҳияти. Қадриятларни турлари. Маънавият ва қадрият алоқадорлиги. “Мафкура” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ва мафкура. Миллий ғоя ва миллий мафкурада миллий ва умумбашарий қадриятларни намоён бўлиши. “Маърифат” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ва маърифат узвийлиги жамият тараққиёти, миллат комолоти, шахс баркамоллиги асоси.

Маънавиятшунослик ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида янги соҳа. Ижтимоий фанлар методологияси хусусида. Маънавият ва фалсафа. Маънавиятшуносликнинг “Рухшунослик” (Психология), “Ахлоқшунослик” (Этика), “Маданиятшунослик”, “Нафосатшунослик” (Эстетика), “Тарбияшунослик” (Педагогика) каби инсон ва жамият ҳаётини ўрганувчи турли фанларга нисбати. Миллий маънавий меросимизда нақлий ва ақлий билимлар нисбати.

Ижтимоий фанларнинг табиий ва аниқ фанлар билан ўзаро умумий ва фарқли томонлари. Бугунги кун ижтимоий фанлар соҳасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Маънавиятнинг методологик моҳияти. Маънавиятшунослик фанини ўрганиш ва ўқитиш услублари.

«Иқтисодиёт» сўзининг луғавий маъноси. Иқтисодиёт ва бозор иқтисоди тушунчалари. Маънавият ва иқтисодиёт алоқадорлиги. Бозор иқтисоди ва маънавият. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли.

Маънавий меросимизда бозор иқтисодига муносабат. Маърифий дунёдаги бозор – бу энг аввало қонунга ҳурмат, инсоф ва диёнат, ўзаро ҳурмат, соғлом рақобат эканлиги. Маънавият ва иқтисод уйғунлиги жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришиш шарти эканлиги. Моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир - бирини инкор этмаслиги. Маънавият ва иқтисоднинг уйғунлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим омили.

Маънавияти юксак кишида бировнинг ҳақиқа, давлат, жамоат мулкига хиёнат қилмаслик, бунёдкорлик, яратувчилик, тадбиркорлик кайфиятини устуворлиги. Маънавияти қашшоқ кишиларда эса, буни акси эканлиги.

Бозор иқтисодиёти ва унинг ривожлантиришнинг асосида тадбиркор ва унинг фаолияти ётиши. Тадбиркорнинг маънавий фазилатлари.

Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий - маърифий асослари.

“Сиёсат” тушунчасини моҳияти. Инсоният тарихида маънавий қадриятлар эш ва ундан айро сиёсатлар. Маънавият ўзининг салоҳияти билан халқ ва мамлакат ҳаётида сиёсатни тўғри, адолатли, инсонпарварлик йўналишида олиб боришда катта аҳамиятга эгаллиги. Сиёсатни маънавият юксалишига таъсири. Маънавият ва сиёсат уйғунлиги тинчлик, тотувлик, барқарорлик, тараққиёт омили эканлиги. Қонун устуворлиги, ижтимоий

адолат, умумхалқ манфаатларини устуворлиги, демократик кадриятлар, шахс эрки маънавиятнинг сиёсатда намоён бўлиши.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлатимиз сиёсатида устувор соҳа. Тараққиётимизнинг янги босқичида маърифат, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожланиши. Маънавият ва маърифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмрон бўлиши ва уни тараққий қилиб бориши. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳаётбахш манба эканлиги.

Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти ўзига хос маънавий фазилатлари. Ҳуқуқий маданият ва маърифат. Қабул қилинган қонунларга нисбатан ҳурмат, итоат, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб етиш ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилати эканлиги.

Фуқаролик жамиятида инсон ҳаёти, кадр-қиммати, кадриятлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаддас саналиши ва улар давлат томонидан қонун орқали кафолатланиши. Конституциямизда халқимизнинг маънавий кадриятларни намоён бўлиши. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови эканлиги.

“Ҳокимият” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ҳокимият тизимида умумхалқ манфаатларини ўзида мужассам этиши, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналиши. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни маънавий моҳияти.

Буюк мутафаккирлар қарашларида раҳбар маънавий фазилатлари. Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Темур, А. Навоий ва бошқалар.

Танқидий таҳлил, қабътий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши кераклиги. Тараққиётимизнинг янги босқичида халқ ишончини қозониш, ҳокимиятни бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шарти эканлиги.

“Маърифат” тушунчасининг моҳияти. Унинг инсондаги қарамлик, кўрқув ва ҳадикни бартараф қилишдаги аҳамияти. Юксак маънавият ва маърифат тараққиёт омили эканлиги. Ўлкамиз халқлари азал-азалдан юксак маънавият ва маърифатга интилиб яшагани. Уларнинг жаҳон илм-фани, маънавияти ва маърифати ривожига қўшган улкан ҳиссаси.

Маънавият ва маърифат уйғунлиги тараққиёт омили. Билим куч, куч эса билимда эканлиги. Таълим ва тарбия ишларида маънавият ва маърифат узвийлиги. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда илм-маърифатни эгаллаш ҳақида. Маънавияти ва маърифати юксак кишилар элим, юртим деб яшаши. Маънавий ва маърифий қашшоқлик тараққиёт душмани эканлиги. Маънавият ва маърифатнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги аҳамияти.

“Ғоя” ва “мафкура” тушунчаларининг моҳияти. Бунёдкор ғоя ва мафкураларнинг маънавият билан алоқадорлиги. Ўзликни англаш: миллий ғоя ва маънавият. Миллий ғоя ва мафкурада миллий ва умумбашарий маънавий кадриятларни намоён бўлиши. Миллий ғоянинг асосий

тамойиллари ва маънавият. Миллий мафкура ва маънавият нисбати. Ўзбекистон Конституциясида якка мафкура ҳукмронлигини тақиқланиши ва бунинг сабаблари. Кўп қутбли дунё. Инсон – оламни меҳвари.

Миллий маънавиятимиз анъаналарида инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳамжихатлик, тотувлик, ҳамкорлик, бунёдкорлик, хурфикрлик, комиллик ва юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини намоён бўлиши. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Глобаллашув жараёнларида маънавиятга таҳдидлар. Глобаллашув шароитида ва миллий ғоя ва маънавий қадриятларга эҳтиёжни ортиб бориши. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги. Инсон ва жамият ҳаётида ғоя, мафкура ва маънавий қадриятларни ўрни.

Маънавият ва руҳият нисбатлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари. Миллий маънавиятимизда руҳият муаммоларининг ўрганилиши ва бу соҳада эришилган ютуқларни аҳамияти. Миллий руҳиятда маънавий қадриятларни намоён бўлиши. Маънавият ва маданият. Маънавият, маданият ва цивилизация тушунчалари нисбати. Моддий ва маънавий маданият уйғунлиги.

Маънавиятнинг диний илдизлари. Диний қадриятлар ва маънавият. Дин маънавиятнинг таркибий қисми сифатида. Дин ва маънавиятнинг умумий ва фарқли жиҳатлари. Диннинг тарихий шакллари ва моҳияти. Диннинг функциялари. Динлардаги эзгу ғоялар. Ислом маънавияти. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда инсон маънавияти ва маърифати масалалари. Имон-этиқод маънавиятнинг таркибий қисми сифатида. Динлараро бағрикенглик тамойилининг маънавий асослари.

Инсон ва жамият маънавий ҳаётида диний қадриятларни ўрни. Собиқ Шўролар тузуми даврида дин ва диний қадриятларга салбий муносабатнинг оқибатлари. Мустақиллик шароитида диний қадриятларимизнинг тикланиши. Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун. Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолияти ва диний бағрикенглик.

Глобаллашув шароитида дин ниқобидаги таҳдидлар ва уларнинг бузғунчилик мақсадлари. Ёш авлодни миллий маънавиятимиз анъаналари руҳида тарбиялаш - улар онгини турли ғаразли "оқимлар" таъсиридан химоялашнинг самарали йўллари.

“Ахлоқ” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ва ахлоқ нисбатлари. Ахлоқ - маънавият ўзаги. Ахлоқнинг маънавият тизимидаги ўрни. Ахлоқий фазилатларнинг маънавий моҳияти. Одоб, хулқ, ахлоқ ва маънавият. Ахлоқий тушунчалар: муҳаббат, эзгулик, адолат, бурч, виждон, номус, ҳаё. кабилар ҳамда ахлоқий тамойил ва меъёрларнинг маънавиятга дахилдорлиги. Ахлоқий тамойиллар: инсонпарварлик, эркпарварлик, Ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик, зиёлилик, меҳнатсеварлик, тинчликсеварлик. Ахлоқий меъёрлар: ҳалоллик ва ростгўйлик. инсофлилик, камтарлик, босиқлик, хушфёллилик, ширинсуханлилик.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва маънавият. Замонавий ахлоқ муаммолари (ноосфера, экология, биологик ахлоқшунослик ва бошқалар) ва маънавий - ахлоқий қадриятлар.

Ахлоқий тарбия ва унинг шахс маънавий камолотидаги ўрни. Ахлоқий фазилатлар шахс маънавиятининг зуҳури сифатида. Замонавий комил инсон концепциясининг ахлоқий –маънавий негизлари. Иймон-эътиқод, меҳр-шафқат, поклик ва халоллик, аҳдга вафо маънавий баркамол шахсининг ахлоқий фазилатлари сифатида. Хулқ-атворда шахс маънавиятининг намоён бўлиши. Маънавий - ахлоқий кадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни.

Маънавият ва нафосат. Эстетик меъёрлар ва категориялар. Нафосат инсоннинг моддий ва маънавий яратувчилигини, бунёдкорлик салоҳиятини ўстириши, уни гўзаллик қонунларига мос бўлишининг таъминлаши.

Маънавиятнинг санъат соҳалари билан алоқадорлиги. Инсоннинг маънавий-руҳий камолотида мусиқа санъатининг ўрни. Мумтоз мусиқа, миллий эстрадани “Оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилишнинг зарурлиги. “Оммавий маданият”га тақлид, “юлдузлик” касали, миллий анъана ва ахлоқ-одоб қоидаларига зид кўринишларнинг ёшлар маънавий дунёсига, бадиий дидига салбий таъсири. Мусиқий таълимни ривожлантиришни долзарблиги.

Театр санъати ва маънавият. Театр – ибратхона эканлиги. Кино санъати. Миллий мумтоз фильмлар. Улар халқимиз маънавиятини юксалтиришга, гўзал кадриятларини бутун дунёга танитишдаги ҳиссаси. Замонавий қаҳрамон образи кино экранларида яратишни зарурлиги.

Миллий маънавиятимиз ривожда тасвирий санъатни ўрни.

Монументал санъат ва маънавият. Истиқлол боис бу борада ҳам тарихий адолатни қарор топиши. Маҳобатли ҳайкаллар ва ёдгорлик мажмуалари барпо этилгани. Уларнинг миллий ғурури, маънавиятни юксалтиришдаги ўрни. Ижтимоий маънавий муҳитни яратишда санъат турларининг ўрни. Мустақил Ўзбекистонда санъатнинг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти.

Маънавият ва адабиёт алоқадорлигининг қадимийлиги. Ёзма ва оғзаки адабиёт. Халқ оғзаки ижодиёт намуналарида маънавий кадриятлар. Сўз санъатининг шахс ва миллат маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти. Адабиётни инсоншуносликка, ижодкорнинг эса, инсон руҳининг муҳандисига қиёсланиши. Бадиий адабиётда ижодкор маънавиятининг аксланиши. Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси, меҳр маърифати эканлиги.

Бузгунчи, зўравон мафкуралардан холи умуминсоний ғояларни ўзида мужассамлаштирган бадиий адабиёт башарият кишиларини маънавий-ахлоқий камолотга даъват этиши. Сўз санъати, бадиий адабиёт инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита эканлиги.

Собиқ Совет мафкураси ҳукмрон бўлган замонларда она тили ва миллий адабиётнинг аҳволи. Она тили-бу миллатнинг руҳи экани, адабиёт яшаса – миллат яшаши. Мустақиллик боис буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли тасвирланган асарлар дунёга келгани ва миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини бевосита чет тилларга таржима қилиш ва жаҳон адабиёти дурдоналарини тилимизга ўгирилиши.

Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор эканлиги. Бадиий-фалсафий тафаккур дурдоналари шахс маънавий фазилатини шакллантирувчи муҳим восита эканлиги.

Умуминсоний қадриятлар. Миллий маънавий фазилатларнинг умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлиги. Миллий маънавиятимизнинг теран томирлари. Миллий маънавиятимиз анъаналарида инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият эканлиги. Инсон, жамият ва табиат уйғунлиги. Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми эканлиги. Мустақиллик даврида аждоқларимиз маънавий меросига муносабатнинг тубдан янгилашиши. Миллий тарбия.

Миллий маънавият фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний қадриятлар таъсирида ўсиши ва ривожланиши. Маънавиятда миллий маҳдудлик ва айирмачиликнинг салбий оқибатлари. Умуминсоний қадриятларнинг заминлари.

Ҳозирги шароитда миллатлараро маданий-маънавий муносабатларнинг янада кенгайиши. Миллий-маданий марказларнинг кўп миллатли Ўзбекистон учун аҳамиятини. Миллий ва умумбашарий қадриятларни жамият тараққиёти инсон камолотида аҳамияти. Миллий маънавиятимизнинг умуминсоний моҳияти, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни.

Жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз ривожининг ўзаро нисбатлари. Турли минтақа маданиятларининг ўзаро муносабатлари. Минтақа маданиятларида дин ва маънавият нисбати.

Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири эканлиги. Марказий Осиё халқлари миллий маънавияти такомил босқичларининг мазкур ўлкада юз берган маданий ривожланиш жараёнлари билан бевосита боғлиқлиги.

Миллий маънавият тарихий ҳодиса. Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомиллини даврлаштириш муаммолари. Даврийлаштиришда турлича ёндошувлар. Соҳа олимлари А.Эркаевга кўра 6 даврга, М.Имомназаровга 3 даврга ажратилиши. Шартли равишда миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик такомиллини тўрт йирик даврга ажратиб кўздан кечиришни мақбуллиги: Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиёти. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомилли. Янги даврда жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз аҳволи. Истиқлол давр маънавияти. Бу даврлар ўз ичига олган муддатларига кўра асло тенг эмаслиги. Инсоният тарихий такомилли ҳозирги Европа илмида 4 асосий даврга ажратилиши. Қадимшуносларни масалага бироз ўзгача қарашлари. А. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида турк эли маънавий такомиллининг рамзий ифодаси борасидаги фикрлар.

Қадим маънавиятимизни англаб етиш қийинчиликлари. Исломгача миллий маънавиятимиз такомиллини ўрганишда манбаалар аҳволи. Осори атиқалар ва ёзма ёдгорликлар. Турли манбааларнинг қиёсий таҳлили. Зардуштийликнинг “Авесто” китоби, туркий битиклар, Қадим Шумер, Бобил, Ашшур, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой, Эрон манбалари, археологик



ёдгорликлар, этнографик маълумотлар, оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф - одат ва маросимлар, халқ ўйинлар, байрамлар ва бошқалар.

Инсоният пайдо бўлишининг қадимги ўчоқлари. Башарият тарихи ва маънавият. Марказий осие, хусусан, ўзбекистон худудидаги ибтидоий манзилгоҳлар. Ибтидоий одамларнинг борлик, атроф-муҳит, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари. Маънавий маданият ўша давр кишиларининг меҳнат фаолияти билан уйғунлашиб кетгани. Ибтидоий маданият- инсоният маданиятининг ибтидоси ва энг узоқ давом этган даври эканлиги. Унинг айрим кўринишлари ҳозирга қадар йўқолмаганлиги.

Сўнгги палеолитнинг бошларида гоминид эволюцияси яқунланиб замонавий “ақлли одам” тури пайдо бўлиши. Тафаккур ва нутқ. Ахборотлар ҳажмини беҳад ўсиши. Ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилиши. Илк географик, ботаника, зоология, иқлим, об-ҳаво, таботатга оид билимлар. Ўзбекистон худудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналари. Диний тасаввурлар ғайритабиий кучлар эътиқод. Сехргарлик, тотемизм, анимизм, фетешизм.

Марказий осие халқлари маданиятининг вужудга келиши жуғрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозимлиги.

Маънавиятнинг вужудга келиши- жуда узоқ давом этган тарихий жараён эканлиги. Уруғ жамоанинг пайдо бўлиши - дастлабки маънавият нишонаси. Ибтидоий синкретизм унсурлари бизгача етиб келган энг қадимги эртаклар, асотирлар, афсоналар, ривоят қолдиқлари. “Авесто” асотирлари маънавият шаклланиши ва вужудга келиши тўғрисида анча бой материалларни бериши. Эътиқод ва маънавият. Маънавият ва инсон табиати. Тафаккур ва дунёқараш. Тақиқ ва табулар. Аждодлар қолган миф, афсона, ривоятларда бахт-бахтсизлик, совуқ ва иссиқ, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш. Мифологик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп ва Эликбек ва бошқалар тимсоларида илк маънавият унсурлари.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий дунёсининг қадимги ноёб тарихий ёзма манбаси. “Авесто”да аждодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари.

Зардушт фалсафаси. Ахурамазданинг Зардушт томонидан коинот нури ва Халлоқи олам деб таърифланиши. “Авесто”нинг таркибий қисмлари ва моҳияти. “Авесто”да инсон ва унинг маънавияти масалалари. “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилнинг аҳамияти. “Авесто”да меҳнат ва яратувчилик мадҳи. “Авесто”да оила ва никоҳ, илм ва имон нисбати. “Авесто”да таълим ва устоз талқини. “Авесто”да савоб ва гуноҳ, тозалик ва поклик. Борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги. “Авесто” ва тиббиёт илми. “Авесто” маърифати, илм ва хунар. Оташқада – маънавият ўчоғи. “Авесто”дан мерос маросимлар. “Авесто” ва халқ байрамлари: Наврўз, Меҳржон, Сада, Фарвардин. “Авесто”да тавҳид эътиқоди ва асотир тафаккур таъсири. “Авесто” ва бадий адабиёт. “Авесто”нинг абадий кадр-қимматга эга маънавий ғоялари. Унинг ёшларимизни маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамияти.

“Маздаясна” эътиқоди - Марказий Осиёдаги илк шаҳар маънавиятини акс эттирувчи қимматли манба. Монийлик ва маздакизм таълимотларида маънавият масалалари.

Қаҳрамонлик эпосларида Ватанпарварлик, меҳр-садоқат, дўстлик, ёвузликка ва босқинчиларига қарши кураш. “Тўмарис”, “Широк”, “Зарина ва Стриангия” ва “Афросиёб”, “Рустам”, “Сиёвуш”, “Гўрўғли”, “Алмомиш” тимсоллари. Спитамен ва Мете. Мавзуга оид қадимги хитой, эрон ва юнон (тарихчилари Геродот, Полиэн, Старбон ва бошқалар) манбаларини таҳлили.

Туркий битиклар. Миллат даражасида ўзликни англаш. Урхун битиглари: Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга, Унгин, Моюн битиги. Енисей битиглари: Элетмиш Билга хоқон, Уюқ Тарлақ, Уюқ Туран ва бошқа ёдномалар. Туркий тошбитиклар маънавияти. Миллат ва миллий давлатнинг шаклланиши, миллатнинг ўз-ўзини англаб етиши. Туркий тошбитикларда миллий ғоянинг ифодаланиши. “Турк будуни” тушунчасининг маънавий аҳамияти.

